

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил декабрь ойининг 2 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси “Раҳматобод” МФЙ биносида бўлиб, Раислик этувчи судья: Ў.Ҳайдаров,
судья ёрдамчиси Ш.Йўлдошбоевнинг котиблигида, Самарқанд шаҳар прокурори ёрдамчиси И.Қувондиқов, судланувчилар И.Уктамов, Ф.Холмуродов ва уларнинг адвокати Ф.Темировнинг иштирокида, Уктамов Илхам Пардаевич ва Холмуродов Форҳод Тожиевичларга нисбатан 1-1401-2407/1035-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Уктамов Илхам Пардаевич (Uktamov Pkham Pardayevich) 21.11.1970 йилда Каттакўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик 3 нафар фарзанди бор, “Навоий кон металлургия кобинати” АЖнинг 10-сонли автобаза, 3-сонли транспорт участкаси хайдовчиси, Нуробод туман, “Нурдум” МФЙ, “Нурдум” қишлоғи, 227-уйда яшовчи 27.09.2024 йилда муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат орқали очикда қолдириш эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 30.09.2024 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Холмуродов Форҳод Тожиевич (Holmurodov Forhod Tojievich) 24.12.1968 йилда Каттакўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик 6 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, Нуробод туман, “Нурдум” МФЙ, “Нурдум” қишлоғи, 201-уйда яшовчи, 27.09.2024 муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат орқали очикда қолдириш эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 30.09.2024 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчининг кўрсатмасини эшитиб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, томонларнинг музокара сўзларини тинглаб, судланувчининг музокара ва охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:



Судланувчилар И.Уктамов фарзанди Пардаев Асадбек Илхом ўғли ва жиноий шериги Ф.Холмуродовнинг фарзанди Тожиев Оғабек Фарход фарзандига нисбатан Самарқанд шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “г” банди билан 184011/2024-638-сонли жиноят иши кўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб бориш шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ терговчиси Б.Абдурахмоновга топширилганлигидан хабар топишган.

Шундан сўнг, И.Уктамов ўзининг жиноий шериги Ф.Холмуродов билан А.Пардаев ва О.Тожиевларга нисбатан жиноят иши юзасидан дастлабки тергов дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бораётган шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ терговчиси Б.Абдурахмонов билан 09.09.2024 йилда учрашиб, А.Пардаев ва О.Тожиевларга нисбатан кўғатилган жиноят ишини жиноят ишлари бўйича судга юбормасдан ижобий ҳал қилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари давомида тугатиб беришни сўраб, шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ терговчиси Б.Абдурахмоновга ҳар бири 500 АҚШ доллари, жами бўлиб 1000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни пора тариқасида беришни таклиф қилишган.

Мазкур ҳолат юзасидан шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ терговчиси Б.Абдурахмоновнинг вилоят ИИБ бошлиғи номига 09.09.2024 йилги билдиргисига асосан 2024 йил 09 сентябрь куни соат 18:15 ларда шаҳар прокуратураси ҳамда вилоят ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда И.Уктамов ва Ф.Холмуродов Самарқанд шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ терговчиси Б.Абдурахмоновнинг хизмат хонасида унга 1000 АҚШ доллари (*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 27.09.2024 йилги ҳолатига 1 АҚШ долларининг Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан қиймати 12 минг 733 сўм 87 тийинни ташкил қилиши кўрсатилган бўлиб, 700 АҚШ доллари 12 733 087 сўмни ташкил этади*) ни пора тариқасида берган вақтида ушланган ва И.Уктамов ва Ф.Холмуродовлардан олинган 1000 АҚШ доллари холислар иштирокида ашёвий далиллар тариқасида расмийлаштириб олинган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи И.Уктамов ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, унинг учинчи фарзанди 18.02.2004 йилда туғилган Пардаев Асадбек Илхом ўғли Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Самарқанд филиалида 2-босчиқ талабаси эканлигини, 2024 йилнинг август ойларида яшаш уйида бўлган вақтда маҳалла профилактика инспектори ва ўзларини вилоят ИИБ кибер хавфсизлик бўлими ходими сифатида таништирган икки нафар ИИБ ходимлари келиб уйига келганлиги учун ўғлини Тошкент шаҳридан чақирганидан сўнг, ўғлини унинг ўртоғи О.Тожиевларни ИИБ ходимлари Самарқанд шаҳрига олиб кетишиб, ўша куни уларлан тушунтириш хати олишиб қўйиб юборганликларини, шундан сўнг, у ва Ф.Холмуродов билан ўғлидан ва ўғлининг ўртоғи О.Тожиевлардан нима бўлганлигини сўраганида улар уларнинг пластик картасига кимдан пул маблағлари ўтказганлигини, ушбу ҳолатни ИИБ ходимлари ўғли ва унинг ўртоғини жиноят содир қилганлигини айтишаётганлигини айтганликларини, шундан Самарқанд шаҳри бўйича ИИБ ФМБ ҳузуридаги ТБ катта терговчиси деб таништирган Б.Абдурахмонов унинг

и ва О.Тожиевларни ушбу куни яъни 2024 йилнинг 09 сентябрь кунига терговга чақирганлиги сабабли, маҳалладоши Ф.Холмуродов билан ўғилларини



хабарисиз, ўзаро гаплашиб, ўғлилларига нисбатан бўлган жиноят ишини терговчи билан учрашиб, унга пул бериб ижобий томонга ҳал қилишни ўйлаб, ҳар бирлари чўнтагларига 500 АҚШ долларидан пулни олиб Самарқанд шаҳрига келиб, соат 10:00 ларда ўғиллари ташқарига қолганликларини ва у ҳамда Ф.Холмуродов билан биргаликда терговчи Б.Абдурахмонов билан гаплашиб, унда гаплари борлигини айтиб, у билан унинг 3-қаватдаги хизмат хонасига кириб, ўғилларига ёрдам қилишини илтимос қилиб, бунинг эвазига уни рози қилишларини айтганларида терговчи Б.Абдурахмонов бир неча бор уларга уларнинг унга пул беришлари жиноят кодекси бўйича пора бериш жинояти эканлигини, агарда у пора олса пора олиш жинояти эканлигини ва бу эса ўз навбатида жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида айтганлигини, бироқ, улар ўғилларини келгусидаги тақдирдан хавотир олиб, уларнинг келажагини ўйлаб, терговчини қандай бўлмасин ўғилларини жиноий жавобгарликка тортилмаслиги учун унга илтимос қилаверганликларини, шундан сўнг, терговчининг хонасидан соат 11:00 ларда чиқиб кетганликларини, шундан сўнг терговчининг хонасига ўғиллари кириб кетганликларини, улар ташқарида кутиб туриб, ўғиллари соат 18:00 ларда чиққанидан сўнг, у яна хамқишлоғи О.Тожиев билан терговчи Б.Абдурахмоновнинг олдига кириш учун назорат ўтиш жойига бориб, у ердаги ИИБ ходимига терговчи Б.Абдурахмоновнинг хонасига кирмоқчи эканликларини, унда ишлари борлигини айтганларида терговчи Б.Абдурахмонов эшик олдига кириб келиб, улардан нима гаплари борлиги ҳақида сўраганлигини, шунда улар унга гапларини четроқда ёки хонасида айтишлари ҳақида айтганларидан сўнг, уларни ўзининг хизмат хонасига олиб кирганида улар яна унга ўғилларига ёрдам қилишини айтиб, гарчанд у улардан пул талаб қилмаган бўлсада, унга ушбу ўзлари билан олиб келган пулларни берса, ўғилларига ёрдам қилиши мумкин деб, унинг қўлида бўлган кўк рангли файл папкадаги қоғозларнинг биттасини ичига қатланиб солинган яъни 500 АҚШ доллари уники 500 АҚШ доллари О.Тожиевники бўлган жами 1 000 АҚШ доллари пулларини файл папкаси билан терговчи Б.Абдурахмоновнинг ёнига яъни стол устида қўйиб, ўғилларига ёрдам қилишини айтиб турган вақтларида эшикдан ўзини прокарутара ва ИИБ шахсий хавфсизлик бош бошқармаси Самарқанд вилоят бўйича бошқармаси ходимлари эканлигини айтиб, ёнида икки нафар холислар билан келиб, ушбу ҳолат бўйича тезкор тадбир ўтказилганлигини айтишиб, бўлган ҳолатларни расмийлаштирганликларини, у Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ катта терговчиси Абдурахмонов Бегзодни 2024 йилнинг 09 сентябрь куни яъни ўғли Пардаев Асад ва унинг шериги Тожиев Оғабекларни чақириб, улар билан тергов ҳаракатлари ўтказиш учун чақирганлиги учун улар билан биргаликда келган вақтда у билан ТБ биносининг эшигидан кутиб олиб гаплашиб, уларни хонасига олиб кирган вақтида таниганликларини, у билан шахсий адовати бўлмаганлигини, 2024 йилнинг 09 сентябрь куни ўғли А.Пардаев ва шериги О.Тожиевларга нисбатан бўлган жиноят иши бўйича ўғилларига ёрдам қилиб, уларни жиноий жавобгарликка тортмасдан ишни тугатиши учун берганликларини, улардан ТБ катта терговчиси Б.Абдурахмонов ўғилларига нисбатан жиноят иши бўйича енгиллик қилиб бериш учун ёки ижобий томонга ҳал қилиб бериш учун пул ёки моддий



қимматликлар талаб қилмаганлигини, ўғли А.Пардаев ва унинг ўртоғи О.Тожиевлар унга ёки шериги Ф.Холмуродов терговчига пул беришлари ҳақида айтмаганлигини ва уларнинг терговчига пул беришларидан хабари бўлмаганлигини, моддий аҳволи оғирлиги сабабли четга чиқиб ишлашлигини, қилмишини хато эканлигини тушуниб етгани, бошқа такрорламаслигини, унга қонуний енгиллик бериш тўғрисида кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Ф.Холмуродов ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, унинг еттинчи нафар фарзанди 22.01.2004 йилда туғилган Тожиев Оғабек Фарход ўғли Тошкент шаҳридаги ҳозир номи ёдида йўқлигини, бир олий таълим даргоҳида 2-босчиқ талабаси эканлигини, 2024 йилнинг август ойларида яшаш уйида бўлган вақтида маҳалла профилактика инспектори ва ўзларини вилоят ИИБ кибер хавфсизлик бўлими ходими сифатида таништирган икки нафар ИИБ ходимлари келиб ўғли О.Тожиевни сўраганликларини, шунда у ўғли О.Тожиевни қўй боқиб юрган жойидан чақириб, улар билан гаплаштирганидан сўнг, улар ўғлини ва маҳалладоши И.Уктамовнинг ўғли А.Пардаевни ўзлари билан Самарқанд шаҳрига олиб кетишиб, ўша куни уларлан тушунтириш хати олишиб қўйиб юборганликларини, шундан сўнг, у ва И.Уктамов ўғлидан ва ўғлининг ўртоғи А.Пардаевлардан нима бўлганлигини сўраганларида улар уларнинг пластик картасига кимдан пул маблағлари ўтказганлигини, ушбу ҳолатни ИИБ ходимлари ўғли ва унинг ўртоғини жиноят содир қилганлигини айтишаётганликларини билдирганликларини, шундан сўнг, Самарқанд шаҳри бўйича ИИБ ФМБ хузуридаги ТБ катта терговчиси деб таништирган Б.Абдурахмонов унинг ўғли ва А.Пардаевларни ушбу куни яъни 2024 йилнинг 09 сентябрь кунига терговга чақирганлиги сабабли, маҳалладоши И.Уктамов билан ўғилларини хабарисиз, ўзаро гаплашиб, ўғлиларига нисбатан бўлган жиноят ишини терговчи билан учрашиб, унга пул бериб ижобий томонга ҳал қилишни ўйлаб, ҳар бирлари чўнтағларига 500 АҚШ долларидан пулни олиб Самарқанд шаҳрига келиб, соат 10:00 ларда ўғиллари ташқарига қолганликларини ва у ҳамда И.Уктамов билан биргаликда терговчи Б.Абдурахмонов билан гаплашиб, унда гаплари борлигини айтиб, у билан унинг 3-қаватдаги хизмат хонасига кириб, ўғилларига ёрдам қилишини илтимос қилиб, бунинг эвазига уни рози қилишларини айтганларида терговчи Б.Абурахмонов бир неча бор уларга уларнинг унга пул беришлари жиноят кодекси бўйича пора бериш жинояти эканлигини, агарда у пора олса пора олиш жинояти эканлигини ва бу эса ўз навбатида жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида айтганлигини, бироқ, улар ўғилларини келгусидаги тақдиридан хавотир олиб, уларнинг келажагини ўйлаб, терговчини қандай бўлмасин ўғилларини жиноий жавобгарликка тортилмаслиги учун унга илтимос қилаверганликларини, шундан сўнг, терговчининг хонасидан соат 11:00 ларда чиқиб кетганликларини, шундан сўнг терговчининг хонасига ўғиллари кириб кетганликларини, улар ташқарида кутиб туриб, ўғиллари соат 18:00 ларда чиққанидан сўнг, у яна хамқишлоғи И.Уктамов билан терговчи Б.Абдурахмоновнинг олдига кириш учун назорат ўтиш жойига бориб, у ердаги ИБ ходимига терговчи Б.Абдурахмоновнинг хонасига кирмоқчиликларини, унда ишлари борлигини айтганларида терговчи



Б.Абдурахмонов эшик олдига кириб келиб, улардан нима гаплари борлиги ҳақида сўраганлигини, шунда улар унга гапларини четроқда ёки хонасида айтишлари ҳақида айтганларидан сўнг, уларни ўзининг хизмат хонасига олиб кирганида улар яна унга ўғилларига ёрдам қилишини айтиб, гарчан у улардан пул талаб қилмаган бўлсада, унга ушбу ўзлари билан олиб келган пулларни берса, ўғилларига ёрдам қилиши мумкин деб, унинг қўлида бўлган кўк рангли файл папкадаги қоғозларнинг биттасини ичига қатланиб солинган яъни 500 АҚШ доллари уники 500 АҚШ доллари И.Уктамовники бўлган жами 1 000 АҚШ доллари пулларини файл папкаси билан терговчи Б.Абдурахмоновнинг ёнига яъни стол устида қўйиб, ўғилларига ёрдам қилишини айтиб турган вақтларида эшикдан ўзини прокарутара ва ИИВ шахсий хавфсизлик бош бошқармаси Самарқанд вилоят бўйича бошқармаси ходимлари эканлигини айтиб, ёнида икки нафар холислар билан келиб, ушбу ҳолат бўйича тезкор тадбир ўтказилганлигини айтишиб, бўлган ҳолатларни расмийлаштирганликларини, у Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ катта терговчиси Абдурахмонов Бегзодни 2024 йилнинг 09 сентябрь куни яъни ўғли Тожиев Оғабек ва унинг шериги Пардаев Асадларни чақириб, улар билан тергов ҳаракатлари ўтказиш учун чақирганлиги учун улар билан биргаликда келган вақтда у билан ТБ биносининг эшигидан кутиб олиб гаплашиб, уларни хонасига олиб кирган вақтида таниганликларини, у билан шахсий адовати бўлмаганлигини, 2024 йилнинг 09 сентябрь куни ўғли О.Тожиев ва шериги А.Пардаевларга нисбатан бўлган жиноят иши бўйича ўғилларига ёрдам қилиб, уларни жиноий жавобгарликка тортмасдан ишни тугатиши учун берганликларини, улардан ТБ катта терговчиси Б.Абдурахмонов ўғилларига нисбатан жиноят иши бўйича енгиллик қилиб бериш учун ёки ижобий томонга ҳал қилиб бериш учун пул ёки моддий қимматликлар талаб қилмаганлигини, ўғли О.Тожиев ва унинг ўртоғи А.Пардаевлар унга ёки шериги И.Уктамов терговчига пул беришлари ҳақида айтмаганликларини ва уларнинг терговчига пул беришларидан хабари бўлмаганлигини, моддий аҳволи оғирлиги сабабли четга чиқиб ишлашлигини, қилмишини хато эканлигини тушуниб етгани, бошқа такрорламаслигини, унга қонуний енгиллик бериш тўғрисида кўрсатув берди.

Судланувчилар И.Уктамов ва Ф.Холмуродовларнинг айби, ўзларининг содир этган жиноятига тўлиқ иқрорлигини билдирган берган кўрсатуви, гувоҳларнинг терговда берган кўрсатув, мазкур жиноят иши юзасидан Самарқанд шаҳар бўйича ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ катта терговчиси Б.Абдурахмонов номига 2024 йил 09 сентябрь куни ёзган билдиргиси, 09.09.2024 йил кунги ходиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова фотожадваллар, дискни ва ашёни кўздан кечириш ҳақида баённомалар ва уларга илова қилинган фото-жадваллар, сўзлашувларни эшитиб кўриш ва сўзлашувларни стенограмма қилиш баённомалари, Самарқанд вилоят ИИБ томонидан 23.09.2023 йилда Самарқанд шаҳар бўйича ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ катта терговчиси Б.Абдурахмоновга нисбатан ўтказилган хизмат текшируви хулосаси билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи И.Уктамов ва Ф.Холмуродовларнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-



моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган. Чунки, улар бир гуруҳ бўлишиб, пора бериш, яъни давлат органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита моддий қимматликлар бериш жиноятини қасддан содир қилган.

Суд, судланувчи И.Уктамовнинг қилмишида ЖКнинг 55-моддасида кўрсатилган жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ф.Холмуродовнинг қилмишида ЖКнинг 55-моддасида кўрсатилган жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига кўра, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисида тушунча берилган.

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум Қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчи И.Уктамовга жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг муқаддам судланмаганлиги, оилалик бўлиб 3 нафар фарзанди борлигини, қилмишида жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг йўқлигини, унинг моддий аҳволини инobatга олиб, унга ЖК 211-моддасининг 1-қисмига ЖК 57-моддасини кўллаб, қонуни санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум Қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчи Ф.Холмуродовга жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг муқаддам судланмаганлиги, оилалик бўлиб 6 нафар фарзанди борлигини, қилмишида жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг йўқлигини, унинг моддий аҳволини инobatга олиб, унга ЖК 211-моддасининг 1-қисмига ЖК 57-моддасини кўллаб, қонуни санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 465-468, 471-473-моддаларига мувофиқ, суд



ХУКМ ҚИЛАДИ:

Судланувчи Уктамов Илхам Пардаевич (Uktamov Ilham Pardayevich)ни ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин ва шу моддага ЖК 57-моддасини қўллаб иш ҳақининг 15 (ўн беш) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

И.Уктамовга қўлланилган “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазони назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўташ белгилансин ва жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижроси Нуробод туман ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

Судланувчи Холмуродов Форҳод Тожиевич (Holmurodov Forhod Tojievich)ни ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 211-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин ва шу моддага ЖК 57-моддасини қўллаб иш ҳақининг 15 (ўн беш) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ф.Холмуродовга қўлланилган “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазони назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўташ белгилансин ва жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижроси Нуробод туман ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм ўқиб эшиттирилган кундан 10 сутка ичида, судланувчига ҳукм нусхаси топширилган кундан бошлаб шу муддат ичида, шу суд орқали Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят, прокурор протест беришга ҳақлидир.

Раислик этувчи:

Ў.Ҳайдаров

